Сайлов комиссиялари ва демократик тамойиллар

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга ошириш, демократик сайловларни ўтказиш учун зарур шароит билан узвий боғлиқдир.

Сайловлар замонавий демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши ҳамда сиёсий жараёнларда, жамият ва давлат ишларини бошқариш, шу жумладан, ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Эркин сайловлар нафақат ҳокимиятни шакллантириш тамойили, айни пайтда унинг халқ олдидаги масъулияти ифодаси ҳамдир.

Мустақиллик йилларида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов қонунчилиги яратилди. Соҳага оид 10 га яқин қонунларда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш сингари асосий принциплар, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиб-таомили белгиланган.
Мустақил ҳамда холис сайлов комиссияларини шакллантириш халқаро сайлов ҳуқуқининг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Зеро, шундагина ҳаққоний ва адолатли сайловлар ўтказиш мумкин бўлади. 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларда сайлов комиссияларига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган. Хусусан, уларга кўра, шаффофлик, холислик ва мустақиллик сайлов кампанияси бошланишидан овоз бериш натижалари эълон қилингунига қадар бўлган сайлов жараёнини зарур даражада бошқариш имконини яратади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда сайлов органларини шакллантиришнинг турли амалиёти мавжуд. ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан тайёрланган ЕХҲТ иштирокчи-давлатлари сайлов қонунчилиги ва амалиёти шарҳида баён қилинишича, сайлов органларини шакллантириш мазкур орган-ларнинг аъзоларини тайинлаш ёки сайлаш усуллари билан боғлиқдир.

Ушбу шарҳда келтирилишича, сайлов органлари таркибини шакллантириш бўйича ягона халқаро стандарт ёки мажбурият мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов органларини шакллантириш усули самарадорлиги ҳамда ишончлилигини иштирокчи-давлатларда сайловни ўтказиш амалиёти ва сиёсий вазиятдан келиб чиқиб баҳолайди. Бунда сайлов комиссияларининг асосий мақсади мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш эканлигини унутмаслик лозим. Жорий йилги сайлов қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда, жамиятни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш янада чуқурлашган, ижтимоий фаоллик ўсган, -фуқароларнинг масъулияти ҳамда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларга, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларига талабчанлиги ошган бир -шароитда бўлиб ўтмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини тўлиқ таъминлайдиган мустақил сайлов комиссиялари тизими яратилган, сайловга юқори демократик даражада тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунлар қоидалари билан тартибга солинади. Жумладан, Конституциямизнинг 117-моддасида Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш тартиби, шунингдек, унинг фаолияти мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур принциплар “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди. Унга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради. Бу эса Марказий сайлов комиссияси фаолиятида холисликни таъминлайди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг муҳим принципларидан бири очиқликдир. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очиқ ўтказилади. Ушбу тамойилнинг амалда таъминланиши сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакилларига, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчиларга Марказий сайлов комиссияси мажлисларида ҳозир бўлиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда олиб боради, у сайлов кампанияси даврида ҳам, сайловлар оралиғида ҳам фаолият юритади ҳамда юридик шахс ҳисобланади. У сиёсий партиялар ёки бошқа жамоат бирлашмалари қарорларига қараб иш тутмайди, ташкилий жиҳатдан мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Бошқа органларга ҳисобдор эмас (молиявий ҳисобдорлик бундан мустасно) ҳамда уларнинг олдида сиёсий жавобгар бўлмайди. Бу эса комиссия аъзолари мақомини, унинг мустақиллигини таъминлайди, комиссия фаолияти эркинлиги ва ташкилий мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлайди.

Тегишли қоидалар қонунчиликда ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини белгиловчи муҳим омиллардан яна бири унинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, қарорларини ижро этмаслик учун маъмурий жавобгарликнинг кўзда тутилганидир. Бу нормалар Марказий сайлов комиссиясининг ўз фаолиятини ташқи таъсирлардан холи равишда олиб бориши, фуқароларнинг сайлов

ҳуқуқларини самарали таъминлаш йўлидаги фаолиятини кучайтиришга замин яратади.
Конституция билан Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг халқ вакиллари томонидан сайланишидек демократик тартиб белгиланган бўлиб, бу жараёнда ижро органлари умуман иштирок этмайди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланадилар. Булар ҳам Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини таъминлайдиган қўшимча ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

Сайлов жараёнида округ ва участка сайлов комиссиялари ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига биноан, сайловни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Мамлакатимизда округ ва участка сайлов комиссиялари ўзига хос демократик ёндашув асосида шакллантирилади. Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади. Бунда номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқиш учун тақдим қилинади.
Қиёслаш учун келтириш мумкинки, кўплаб давлатларда сайловларни ташкил қилувчи ҳамда ўтказувчи ягона, марказлашган органлар тизими мавжуд эмас. Сайловни ташкил қилиш функцияси ижро этувчи ҳокимият органлари ёки тўғридан-тўғри ҳукумат зиммасига юклатилган. Мисол учун, Франция, Австрия ҳамда Германияда сайловларни ташкил қилиш билан Ички ишлар вазирлиги, Данияда Ички ва ижтимоий ишлар вазирлиги, Финляндияда Адлия вазирлиги, Бразилияда эса Олий сайлов суди шуғулланади. Шуларнинг ўзиёқ сайлов қонунчилигимиз, сайлов тизимимиз демократия принципларига юқори даражада мослигидан далолат беради. Эътиборли жиҳати, буни бизнинг сиёсий тизим билан яхши таниш бўлган экспертлар бутун дунёда эътироф этишмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи ҳамда 9379 та сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссияларининг таркибида 98 минг нафардан ортиқ киши фаолият юритмоқда.

Шуниси эътиборлики, уларнинг 69 фоизи илгари сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда иштирок этган, 16 минг нафардан ортиғи, яъни қарийб 17 фоизи фуқаролар йиғинлари ходимлари, 10 фоиздан зиёди нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари, 47 фоизи ёки 46 минг 500 нафари хотин-қизлардир. Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 11 фоизи Ўзбекистонда истиқомат қиладиган бошқа миллат ва халқлар — корейс, қозоқ, қирғиз, рус, тожик, туркман, украин ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик талабларига тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилишига шубҳа йўқ. Сайлов комиссияларини шакллантиришнинг демократик тартиби, уларнинг мустақил, холис ва шаффоф фаолиятининг ҳуқуқий кафолати ҳаққоний, адолатли ҳамда ҳалол сайловларни ўтказишнинг ишончли гарови ҳисобланади.

Зокир УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

(Халқ сўзи, 23 ноябрь 2016 йил)